УДК: 616.33 - 053 - 06 - 073.75 - 07

ОШҚОЗОН РЕНТГЕНОАНАТОМИЯСИНИНГ СОМАТОТИП БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Худойбердиев Дилшод Каримович - т.ф.н., доцент
Бухоро давлат тиббиёт институти (Бухоро, Ўзбекистон)

Аннотация*. Статистик маълумотларга қараганда 2022 - йил 1 - январ ҳолатида аҳолининг биринчи марта ташхис билан қайд қилинган касалликларга чалиниш турлари энг юқори кўрсаткичлардан бири овқат ҳазм аъзолари касалликларига тегишли бўлиб, ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан олинганда бу касалликлар 11 мингга етгани кузатилмоқда. Сурункали гастрит ошқозон касалликларининг 60-85% ни ташкил қилади ва ҳар йили 1,4% га ортиб бормоқда.Европа мамлакатларида катта ёшли аҳолининг 2-5 фоизи ошқозон яраси касаллигидан азият чекади. Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга назар соладиган бўлсак, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак деворидаги яралар ва ўзгаришлар умумий биопсияларнинг 8-10 фоизини ва ҳаттоки баъзида бу кўрсатгич 20% ни ҳам ташкил қилиши кузатилди. Бугунги кунга келиб эса ушбу касаллик билан мурожаат қилгандарда текширув вақтида шиллиқ қаватнинг ўткир эрозиялари 3-9 фоизида аниқланди ва бундай ҳолат диагностиканинг алоҳида эътибор талаб қилинадиган жиҳатларидан бири ҳисобналади.*

Ишдан мақсад. *Овқат ҳазм қилиш тракти касалликларни батафсил ўрганиш, ҳар бир беморга алоҳида профилактика ва даво чораларини ишлаб чиқишни талаб этади, айниқса болалик даврида ҳазм тизими девори шиллиқ қавати тузилишига эътибор қаратиш зарур бўлади. Ҳозирги кунда рентгенологик ташхислаш ҳамда прогнозлаш усуллари такомиллашмоқда, бу усул сифатли бўлиб қийинчилик туғдирмайди ва беморга иккиламчи касалликларни келтириб чиқармайди.*

Калит сўзлар*: урункали гастрит, ошқозон яраси, ўткир эррозиялар, овқат ҳазм қилиш тракти касалликларни, рентгенологик ташхислаш.*

ВЗАИМОСВЯЗЬ РЕНТГЕНОАНАТОМИИ ЖЕЛУДКА С СОМАТОТИПОМ

Худойбердиев Дильшод Каримович - к.м.н., доцент
Бухарский государственный медицинский институт (Бухара, Узбекистан)

Абстрактный. *По статистическим данным, на 1 января 2022 года один из самых высоких показателей заболеваний, впервые диагностированных у населения, связан с болезнями органов пищеварения, и наблюдается, что число этих заболеваний достигло 11 тысяч на 100 тысяч населения. Хронический гастрит составляет 60-85% заболеваний желудка и ежегодно увеличивается на 1,4%. В европейских странах язвенной болезнью желудка страдает 2-5% взрослого населения. Если посмотреть на исследования, проведенные учеными, то было замечено, что язвы и изменения стенки желудка и двенадцатиперстной кишки составляют 8-10% от общего числа биоптатов, а иногда и 20%. На сегодняшний день острые эррозии слизистой оболочки выявляются у 3-9 процентов больных этим заболеванием при обследовании, и такое состояние считается одним из аспектов диагностики, требующих особого внимания.*

Цель работы: *Детальное изучение заболеваний пищеварительного тракта требует разработки индивидуальных мер профилактики и лечения для каждого больного, особенно в детском возрасте, необходимо обращать внимание на строение слизистой оболочки стенки пищеварительной системы. В настоящее время методы лучевой диагностики и прогноза совершенствуются, этот метод является качественным, не вызывает затруднений и не вызывает у пациента вторичных заболеваний.*

Ключвые слова: *хронический гастрит, язвенная болезнь желудка, острые эррозии, заболевания пищеварительного тракта, рентгенологическая диагностика.*

RELATIONSHIP BETWEEN RADIOLOGICAL ANATOMY OF THE STOMACH AND SOMATOTYPE

Khudoiberdiev Dilshod Karimovich - C.M.Sc., associate professor
Bukhara State Medical Institute (Bukhara, Uzbekistan)

Abstract. *According to statistics, as of January 1, 2022, one of the highest rates of diseases diagnosed for the first time in the population is associated with diseases of the digestive system, and it is observed that the number of these diseases has reached 11 thousand per 100 thousand of the population. Chronic gastritis accounts for 60-85% of stomach diseases and increases by 1.4% annually. In European countries, 2-5% of the adult population suffers from*

gastric ulcer. If you look at the studies conducted by scientists, it was noted that ulcers and changes in the wall of the stomach and duodenum account for 8-10% of the total number of biopsies, and sometimes 20%. To date, acute erosions of the mucous membrane are detected in 3-9 percent of patients with this disease during examination, and this condition is considered one of the aspects of diagnosis that requires special attention.

Purpose of the work. *A detailed study of digestive tract diseases requires the development of individual preventive and treatment measures for each patient, especially in childhood, it is necessary to pay attention to the structure of the mucous membrane of the digestive system wall. Currently, methods of radiation diagnostics and prognosis are being improved, this method is high-quality, does not cause difficulties and does not cause secondary diseases in the patient.*

Keywords. *Chronic gastritis, gastric ulcer, acute erosions, gastrointestinal tract diseases, X-ray diagnostics.*

Муаммонинг долзарблиги. Замонавий радиологиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири органларнинг юқори даражада фарқланишидир. Эркаклар ва аёлларнинг ёшга боғлиқ конституционал хусусиятларига бағишланган кўпгина тадқиқотларга қарамай, органлар даражасининг ўзига хос морфологик конституцияси сифатида ошқозонга етарлича эътибор қаратилмаган [7,8].

Инсон конституциянал тип реактивлик ҳолатини акс эттирувчи жисмоний хусусиятлар, психодинамика ва бошқа хусусиятларнинг комбинатсияси сифатида қараш мумкин [10]. Тиббий морфологияда конституция бутун организмнинг асосий хусусияти бўлиб, унинг биологик ташкилотининг сифат бирлиги ғоясини тўлиқ ўзида мужассам этади [11].

Инсон ҳаётининг турли ёш даври ўзига хос морфологик, метаболик ва функсионал хусусиятларга эга бўлиб, улар бир хил атроф-муҳит таъсирига тананинг жавоб реакциясидаги фарқни аниқлайди. Соғлом ва беморларда тузилиш, метаболизм ва функцияларнинг катта хусусиятлари интраутерин ривожланиш даврлари (эмбрион, ҳомила) ҳамда тананинг бачадондан ташқари ҳаётининг турли босқичлари (янги туғилган чақалоқлар, болалик ва бошқалар) учун характерлидир [2].

Морфологик ёндашув доирасида тананинг конституциявий хусусиятларини ҳисобга олиш нормал шароитларда ва турли патологияларда инсон саломатлиги ҳолатини ўрганишда ажралмас компонент ҳисобланади. Инсон танасини ўрганишга ёндашув нафақат ёш боғлиқ типологиясининг хилма-хиллиги ва тизимларнинг ўзгарувчанлиги ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишга, инсоннинг соматик конституцияси ва унинг бошқа тизимлари ўртасидаги қонуниятларни аниқлашга имкон беради [5,10,12].

В.П. Чтесова ва унинг шигирдлари 1978 йил “Вопросы антропологии” журналида келтирган маълумотларига мувофиқ эркаклар 5 та аёллар 7 та соматотипга ажратиш усули ишлаб чиқилади.


№	Эркаклар	Аёллар
1	Астеник тип	Астеник тип
2	Торакал тип	Стенопластик тип
3	Мушак тип	Пикник тип
4	Қорин тип	Мезопластик тип
5	Эурисом тип	Эурипластик тип
6	-	Субатлетик тип
7	-	Атлетик тип

Соматотипологик боғлиқлик рентгенографияда аниқланган умуртқа поғонасидаги деструктив ва дегенератив ўзгаришлар даражасига ҳам таъсир қилиши аниқланган. Кўкрак ва мушак соматотиплари учун клиник кўринишларнинг энгил даражаси характерлидир, қорин бўшлиғи соматотипида эса, аксинча, умуртқа поғонасида аниқ рентгенологик ўзгаришлар, клиник кўринишида учраши мумкин. Бундан келиб чиқадики, умуртқа поғонасининг дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган эркаклар учун тана вазнини тузатиш ва семиришнинг олдини олиш чораларини кўриш лозим [6,9].

Материал ва усуллар: Инсон организмни ички органини текшириш, унинг тузилишини, ҳаракатини ўрганиш ва касалликларни аниқлаш рентген нурлари ёрдамида амалга оширилади. Тадқиқотимизда учраган клиник ҳолатлардан фойдаланилди.

Хусусий натижалар таҳлили: Рентгенологик текширувлар инсон органлари тасвирларини олишда муҳим ўрин тутади. Орган контрастли ҳамда контрастсиз рентген текширув усуллари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Овқат ҳазм қилиш тизимининг ҳар бир органи учун оптимал радиологик диагностика усуллари ишлаб чиқилган. Анамнестик ва клиник маълумотларга асосланиб, рентгенологик текширув режалаштирилади ва ўтказилади. Рентген тасвирларида ошқозон шиллиқ қаватининг бурмалар, бурмалар орасидаги бўшлиқлар ва ошқозон майдони кўриб хулоса чиқаришга имкон бўлади. Юқоридаги беморларнинг барчасида текширувлар амалга оширилди. Перисталтикага


қараб, чуқур, сегментли, ўрта ва юзаки перистал-тика ёки умуман перисталтика йўқлиги фарқланади. Ичилган барий бўтқаси ошқозондан эвакуатсия қилиш дастлабки 30 дақиқада бўлиши лозим. Ошқозондан тўлиқ чиқиб кетиши 1,5 соат ичида содир бўлади.



Бемор Ш.А. 1999 йилда туғилган. Мазкур беморнинг умумий шарҳловчи рентгеногаммасида каскадсимон ошқозон, гипертрофик гастрит белгилари аниқланди

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг кенг тарқалган касалликлари: 1) ўткир ва сурункали гастрит, дуоденит (одатда юзаки ва катарал, камроқ тез-тез гиперпластик ёки атрофик, ошқозон ширасы таркибидаги кислоталилиги ортиб кетиши ва ҳоказо); 2) дуоденогастрал рефлюкс; 3) ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг эрозияси (ўткир, сурункали, чандиқли) ва бошқа ярадан олдинги ҳолатлар; 4) ошқозон яраси, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг симптоматик яралари; 5) ошқозон полиплари шулар жумласидан.

Ошқозон ичак тракти патологияларида МСКТ текширув орқали ҳазм найини касалликлари аниқланади ва олинган натижалари гастроентерологлар билан биргаликда таҳлил қилинди.



Бемор К.О. 1968 йилда туғилган. МСКТ да горизонтал кесмасидаги ошқозоннинг кўриниши.

Инсон оматотипологик боғлиқлик рентгенографияда аниқланган овқат ҳазм қилиш тизимидаги ўзгаришлар даражасига ҳам таъсир қилиши кузатилди. Кўкрак типи ҳамда мушак типилари учун клиник кўринишларнинг енгил даражаси характерли бўлиб, қорин типида эса, ошқозон ва 12 бармоқли ичакда рентгенологик

ўзгаришлар характерли эканлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам ошқозон тракти касалликлари бўлганларга тана вазнини тузатиш ва семиришнинг олдини олиш чораларини кўриш тавсия этилади.

Хулоса. Конституционал тип тананинг ажралмас хусусияти бўлиб, инсон патологиясининг барча шаклларига ва келиб чиқиши мумкин бўлган касалликларнинг тахминлаш имконини беради.

Ҳаётий фаолият параметрларининг конституциявий холатини кўрсатадиган кўплаб ишлар амалга оширилган бўлиб, овақат ҳазм қилиш тизими касалликларининг ривожланишида ирсий-конституциявий омиллар муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулхакова Д. А., Абдулхаков Р. А. Рентгенодиагностика дивертикулов пищевода и желудка //Вестник СурГУ. Медитсина. – 2022. – №. 3 (53). – С. 40-45.

2. Буканаева Н.С., Никитюк Д.Б. Конституционалные особенности болных с алиментарнозависимой патологией // Морфологические ведомости. – 2008. – № 1-2. – С. 145-146.

3. Власов П. В., Якименко В. Ф. Рентгенодиагностика рака желудка на современном этапе //Медицинская визуализатсия. – 2006. – №. 3. – С. 45-59.

4. Власов П. В., Блинчевский И. Д., Трошин А. В. Рентгенодиагностика язвы желудка и двенадсатиперстной кишки //Медитсинская визуализатсия. – 2006. – №. 2. – С. 19-36.

5. Жин И.Г. Рентгеновский метод диагностики ГЕРБ у детей // Сборник материалов Республиканской НПК. Лаборатория интеллекта. - 2018. - 23 ноября. С. 25-33.

6. Зуева Е.Г., Кудряшов Е.В., Дергоусова Е.Н. Клинико-конституционалные подходы в отсенке развития деформатсии позвоночника // Морфология. – 2008. – № 3. – С. 47.

7. Кобиашвили, М. Г. Диагностика предраковых изменений слизистой оболочки желудка методом узкоспектралной эндоскопии с функсией увеличения / М. Г. Кобиашвили, И. А. Михайлова, В. Н. Эллиниди, И. А. Самусенко //Медико-биологические и сотсиално-психологические проблемы безопасности в чрезвычайных ситуатсиях. –2012. –№1. – С. 62-65.

8. Курилович, С. А. Неинвазивная диагностика предраковых заболеваний желудка / С. А. Курилович, О. В. Решетников, С. А. Кротов, А. В. Белковес // Новосибирск. – 2013. –С.65.

9. Лисняк Е.А. Частота выявления рентгенологических стадий и степеней функсионалной недостаточности у женщин с ревматоидным артритом различных конституций и типов телосложения // Актуалные пробл. морфологии: Сб. науч. тр., Вып. 7. – Красноярск, 2008. – С. 64-66.

10. Нафикова А.Ш. Качество жизни при язвенной болезни желудка и двенадсатиперстной кишки/ А.Ш. Нафикова, Л.В. Волевач, А.Я. Крюкова, Г.Я. Хисматуллина, А.А. Камалова. – Уфа: Издателство БГМУЮ, 2016

11. Первушин В.В., Масалова А.В., Деркач А.А. Конституция и ее рол в патологии. классификация конституционалных типов. понятие о диатезах // Международный студенческий научный вестник. – 2020. – № 6.

12. Sun Q., Liang X., Zheng Q. et al. High Efficacy of 14–Day Triple Therapy–Based, Bismuth–Containing Quadruple Therapy for Initial Helicobacter pylori Eradication / // Helicobacter. – 2010. – Vol. 15. – P. 233–238.

13. Yamaoka Y. Mechanisms of disease: Helicobacter pylori virulence factors // Nature Reviews Gastroenterology & Hepatology. - 2010. - N7(11). - P. 629-641.